

Mumin Mirzo M. ABDUPATTAYEV,
Teacher of the International
Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: mirzo21@umail.uz

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/13

XI–XII АСРЛАРДА ХУРОСОНДАГИ ДИНИЙ-ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАР

RELIGIOUS-SOCIAL PROCESSES IN KHORASAN IN THE XI–XII CENTURIES

РЕЛИГИОЗНО-СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОЦЕССЫ В ХОРАСАН В XI–XII ВВ

КИРИШ

Салжукийлар давлати номи кўчманчи турк-ўғуз қабиласининг қиниқ ёки қиниқ уруғи бошлиғи Салжук(бек) ибн Дукак (Тукак) номидан олинган (В.Бартольд, 1963:566). Форс-араб манбаларида Салжукнинг исми қуйидаги шаклларида учрайди.

سلجوك، سلجك، سلجوق، سلجوق، سلجق

Салжук ўзи учун Сирдарё бўйидаги марказ сифатида Жанд шаҳрини танлаган. Салжукнинг беш нафар Микоил, Арслон (Исроил), Мусо, Юсуф ва Юнус исмли ўғиллари бўлган. Вориси Арслон Ябғу эса, ўзига Бухоро яқинидаги Нур қалъасини марказ-қароргоҳ қилган.

Қиниқ қабиласининг ҳарбий куч-қувватидан хабардор бўлган сомонийлар ҳукмдори Исмоил ибн Нух Мунтасир қорахонийларга қарши курашда Салжукдан ёрдам сўрайди. Салжук ва сомонийларнинг бирлашган кўшини 1003 йил август ойида Самарқанддан 42 км узоқликда қорахонийлар устидан ғалаб қозонадилар (Ибн Асир, 1987:16). Шундай қилиб, қиниқ қабиласи Самарқандга кириб келган. Салжук 1007 йилда вафот этганидан сўнг, Арслон Ябғу қабила бошлиғи бўлади. Сомонийлар давлати қулаганидан кейин, Арслон Ябғу 1020–1021 йиллар оралиғида қорахонийлар ҳукмдори Али Тегин билан иттифоқ тузиб, қабиласини Жанддан Бухорога кўчиради. 1024 йилда қорахонийлар давлати тахти учун бошланган курашда Али Тегиннинг укаси Юсуф ибн Ҳорун ғалаба қозониб, ғазнавийлар ҳукмдори

Маҳмуд Ғазнавий ёрдамида Бухорони эгаллаб, Қодирхон” номи билан тахтга ўтиради. Али Тегин эса қочиб кетади. Арслон Ябғу асирга олинад ва Ҳиндистоннинг Мўлтон қалъасида 1032 йилда вафот этади (Ибн Асир, 1987:239).

Салжукнинг ўғли Микоилнинг фарзандлари Тўғрулбек (Муҳаммад) (1040–1063) ва Чағрибек (Довудбей)лар Арслон Ябғудан сўнг қабила сардорлари бўладилар. Улар ғазнавийлар билан яқин бўлиш сиёсатини олиб бордилар. Маҳмуд Ғазнавий Тўғрулбекни Хуросон ноибидеб эълон қилган. 1030 йилда Маҳмуд Ғазнавий вафот этгач, ғазнавийлар тахтини Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Масъуд эгаллайди. 1035 йилда Султон Масъуд Нисо шаҳрида салжукийлар ерларига ҳужум қилганидан сўнг, Тўғрулбек билан ўрталарида зиддият ва келишмовчиликлар пайдо бўлади. Оқибатда 1038 йилда Тўғрулбек Нишопурга ҳужум қилиб, шаҳарни эгаллаб олади. 1040 йилда Султон Масъуд Дандакон жангида Тўғрулбекдан мағлубиятга учрайди. Шундай қилиб, Хуросон, Хоразм, Ғарбий Эрон, Озарбайжон ва Ироқ ўлкаларидан иборат катта ҳудудда “Буёқ салжукийлар давлати” ташкил топди (Агаджанов, 1991:51). Нишопур давлат пойтахти деб эълон қилинади. Тўғрулбек укаси Чағрибекни Сарахс, Балх ва маркази Марв шаҳри бўлган Амударё ва Ғазна оралиғига ҳоким этиб тайинлайди.

1041–1043 йилларда салжукийлар Журжон, Хоразм, Исфаҳон ва Ҳамадон шаҳарларини эгаллаб олдилар. Пойтахт Нишопурдан Райга кўчирилди. 1045 йилда Мосул эгалланди.

1047 йилда Тўғрулбек жияни Ҳасан бошчилигида Византия империясига қарши кўшин жўнатади. Бу даврда Византия императори Константин Монамахга қарши Болконда Лев Торник қўзғолони бошланган эди. Вазиятдан унумли фойдаланган салжукийлар Арзирумгача етиб бордилар. Ўша давр арман тарихчиси Аристокс Ластиверци салжукийларнинг бу ғалабасини шундай таърифлайди: “Туркистондан улкан кўшин кўчиб келди, уларнинг отлари бургутдек тез, туёқлари тошдек мустаҳкам. Уларнинг камонлари қаттиқ чўзилган, ўқлари учли, белларига маҳкам боғланган, этикларининг тасмалари узилмайди” (Аристокс, 1968:86–87).

Бироқ, кўп вақт ўтмай салжукийлар Византия кўмондони Васпуракан Ахарон томонидан Катта Зав дарёси бўйидаги жангда мағлубиятга учраб, улкан ҳудудларни қўлдан чиқарадилар.

Аннотация. Ушбу мақолада XI–XII асрларда Хуросон минтақасида ҳукмронлик қилган салжуқийлар сулоласи давридаги ижтимоий-диний вазият таҳлил қилинган. Маълумки, салжуқий турклар XI аср 30-йилларида ҳарбий хизматлари эвазига Хуросонда газнавийлардан мулклар олишди. 1038 йили улар Нишопурни эгаллаб, ўз раҳбарлари Тўғрулбекни султон деб эълон қилади. Салжуқийлар секин-аста бутун Хуросонни, Хоразмни бўйсундириб, Ғарбий Эрон, Озарбайжон ва Ироқни Бағдод билан бирга босиб оладилар. Аббосийлар халифаси Тўғрулбекни султон ҳамда «Шарқ ва Ғарб подшоҳи» деб тан олишга мажбур бўлади. Тўғрулбек Рай шаҳрини, унинг укаси Чағирбек Марвни ўзларига пойтахт қилади. Алп Арслон (1063–1072) ва Маликшоҳ I (1072–1092) даврида салжуқийлар Арманистонни эгаллайдилар, Византия (Рум)ликларни енгиб, бутун Кичик Осиёни, кейинчалик Сурия ва Фаластинни босиб оладилар. Улар Грузия, Ширван ва Мовароуннахрни ўзларига бўйсундириб, у ерлардаги ҳукмдорларни ўз вассалларига айлантирадилар. Салжуқийлар қўшинлари Арабистон яриморалидаги Яман ва Баҳрайн ерларини ҳам ўз тасарруфларига олади. 1074 йили Термиз, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик Фарғонани ишғол этади. Маликшоҳ I ҳукмронлигида салжуқийлар ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган. Пойтахт Исфаҳонга кўчирилган. Султон Санжар даврида эса, мамлакат пойтахти Исфаҳондан Марвга кўчирилган. Салжуқийлар давлатидаги диний-ижтимоий вазият ҳам айнан Султон Санжар даврига келиб мураккаб тус олган. Мақолада мана шу жиҳатлар ҳақида баҳс қилинади.

Калит сўзлар: салжуқийлар, Хуросон, карромийлик, батинийлик, Малазгирт, Низомия мадрасаси, муътазиллийлик, Ҳасан Саббоҳ.

Annotation. This article discusses the socio-religious situation during the Seljuk dynasty, which ruled the Khorasan region in the XI–XII centuries. It is known that the Seljuk Turks received property from the Ghaznavids in Khurasan in the 30s of the 11th century in exchange for their military services. In 1038, they occupied Nishapur and declared their leader Toghrilbek as the sultan. The Seljuks gradually subjugated all of Khurasan and Khorezm and conquered Western Iran, Azerbaijan and Iraq along with Baghdad. The Abbasid caliph was forced to recognize Toghrilbek as the sultan and the "King of the East and the West". Toghrilbek made the city of Rai and his brother Chaghribek Marv their capital. During the reign of Alp Arslan (1063–1072) and Malikshah I (1072–1092), the Seljuks occupied Armenia, defeated the Byzantines (Romans), conquered the whole of Asia Minor, and later Syria and Palestine. They subjugated Georgia, Shirvan and Movarounnahr and made the rulers of those lands their vassals. The Seljuk forces also took control of the lands of Yemen and Bahrain in the Arabian Peninsula. In 1074, they occupied Termez, Bukhara, Samarkand, and later Ferghana. During the rule of Malikshah I, the Seljuks were very powerful in terms of military and politics. The capital was moved to Isfahan. During the reign of Sultan Sanjar, the capital of the country was moved from Isfahan to Marv. The religious and social situation in the Seljuk state also became complicated during the reign of Sultan Sanjar. These aspects are discussed in the article.

Keywords: Seljuks, Khorasan, karrromism, batinism, Malazgirt, Nizami madrasa, mu'tazilism, Hasan Sabbah.

Аннотация. В данной статье рассматривается социально-религиозная ситуация во времена династии сельджуков, правившей Хорасанским регионом в XI–XII веках. Известно, что турки-сельджуки получили имущество от Газневидов в Хорасане в 30-х годах XI века в обмен на свои военные услуги. В 1038 году они заняли Нишапур и объявили султаном своего предводителя Тогрулбека. Сельджуки постепенно подчинили себе весь Хорасан и Хорезм, завоевали Западный Иран, Азербайджан и Ирак вместе с Багдадом. Аббасидский халиф был вынужден признать Тогрулбека султаном и «царем Востока и Запада». Тогрулбек сделал своей столицей город Рай и столицей своего брата Чагирбека Марва. В годы правления Алп-Арслана (1063–1072) и Маликшаха I (1072–1092) сельджуки оккупировали Армению, разгромили византийцев (римлян), завоевали всю Малую Азию, а позднее Сирию и Палестину. Они подчинили себе Грузию, Ширван и Мовароуннахр и сделали правителей этих земель своими вассалами. Силы сельджуков также взяли под свой контроль земли Йемена и Бахрейна на Аравийском полуострове. В 1074 году они заняли Термез, Бухару, Самарканд, а затем и Фергану. Во время правления Маликшаха I сельджуки были очень сильны в военном и политическом плане. Столица была перенесена в Исфахан. При султани Санджаре столица страны была перенесена из Исфахана в Марв. Религиозная и социальная ситуация в сельджукском государстве также осложнилась в период правления султана Санджара. Эти аспекты обсуждаются в статье.

Ключевые слова: сельджуки, Хорасан, каррамизм, батинизм, Малазгирт, медресе Низамия, муътазилиты, Ҳасан Саббаҳ.

Бу мағлубиятдан сўнг Тўғрулбек Иброхим Инал бошчилигида иккинчи қўшинни Арзирумга юборади. 1048 йилда бўлиб ўтган навбатдаги жангда византияликлар мағлубиятга учрайди. Шарқий Онадўли ерларига қадар салжуқий аскарлари кириб боришди. Салжуқийлар катта ўлжалар билан Райга қайтганлар (Мустафаев, 2017:38).

Бу даврда халифалик пойтахти Бағдодда сиёсий вазият анча оғир бўлиб, аббосийлар халифаси фақат номигагина ҳукмдор, ҳақиқий ҳокимият эса шиа/рофизийлардан бўлган буидлар қўлида эди. Буидлар Бағдодда ўз ҳукмронликларини 945 йилда ўрнатган эдилар. Аҳмад ибн Бувайҳ халифа ал-Мустақфий Биллахни ҳокимиятдан четлаштириб, ўзини “Амир ал-умаро” (Амирларнинг амири) ва “Муиззуддавла” (Давлатнинг иззати) деб номлаб, ҳокимиятни эгаллаб олганди. Буидлар Бағдодда ҳеч қандай сиёсий кучга эга бўлмаганларни халифа қилиб сайлашди.

Буидлар Бағдод ва бошқа суннийлар яшайдиган шаҳарлар масжидлари эшикларига Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Муовия ибн Абу Суфёнга нисбатан ҳақоратли сўзларни ёздирдилар. Улар Миср ва Шимолий Африкада ҳукмронлик қилаётган шиа/исмоилий бўлган фотимийлар билан иттифоқ туздилар. Бу иттифоқ аббосийлар ва бошқа сунний эътиқоддаги давлатлар учун хавф туғдирар эди.

1055 йил ал-Қоим Биамриллоҳ (1031–1075) Тўғрулбекка хат ёзиб, буидларга қарши курашда ёрдам сўрайди. 1055 йил декабрь охирида салжуқийлар ва халифанинг қўшинлари Бағдодда буидларнинг сўнгги амири Малик ар-Раҳим Хусрав Фирузни (1048–1055) енгиб, уларнинг 113 йил давом этган ҳукмронлигига нукта қўйди. Малик ар-Раҳим олти йилу ўн кунлик ҳукмронлигидан сўнг, ҳибсга олинди ва 1058 йилда Сиравон қалъасида тутқунликда вафот этади (Ибн Асир, 1987:324).

АСОСИЙ ҚИСМ

Инглиз шарқшунос тарихчиси Клиффорд Эдмунд Босворт “Янги мусулмон сулолалар” (“The new islamic dynasties”) асарида: “Тўғрул ҳокимият тепасига келгач, суннийлик мазҳабини ҳимоя қилиш ва аббосий халифаларни шиа мазҳабига мансуб буидлар васийлигидан қутқариш биринчи

галдаги вазифаси эканлигини қатъийлик билан таъкидлади. Бу сиёсат унга салжуқийлар Ғарбий Эронда дайлабийларга қарши ҳаракат бошлаганида суннийлардан ёрдам олишда жуда қўл келди. 1055 йилда Тўғрул Бағдодни эгаллади ва халифа унинг султонлик унвонини тасдиқлади. Бир неча йил ўтгач, буидлар сулоласининг Форс ерларидаги ҳукмронлиги тугатилди” (Boswort, 1996:314) – деб, Тўғрулбекнинг халифага ёрдам бериш сабабини келтиради.

Ғалабадан сўнг халифа ал-Қоим Тўғрулбекка Султон, “Рукн ад-давла” (Давлат устун) ва “Малик ал-машриқ ва-л-мағриб” (Шарқ ва Ғарб подшоҳи) унвонлари билан сийлаб бериб, ўз қизини ҳам никоҳлаб беради (Агаджанов, 1991:66). Ўз ўрнида халифа Чағрибекнинг қизи Хадича Арслон Хотунни никоҳига олди. Никоҳ орқали боғланган бу иттифоқ салжуқийларнинг обрўсини янада ошириб юборди. Салжуқийлар узоқ муддат Бағдодда қолдилар.

1057 йил декабрь ойида Султон Тўғрулбек бир қанча аскарларини Бағдодда қолдириб, ўзи ҳажга кетади. Аллома Ибн Асир “ал-Комил фи-т-тарих” асарида, Бағдодда қолган салжуқийларнинг аскарлари катта талончилик қилганини, бунинг натижасида нарх-наво кўтарилиб кетганини ва халифа бунга жавобан Тўғрулбекка, “Ё бу бузғунчиликларни тугат. Ёки барча аскарларинг Бағдоддан чиқиб кетсин”, деб хат ёзганини келтиради (Ибн Асир, 1987:332). Тўғрулбек халифадан узр сўраб, дарҳол жавоб мактуби жўнатади. 1057 йил январь ойида салжуқийларнинг барча аскарлари Бағдодни тарк этади.

Ички сиёсатда фотимийларга, ташқи сиёсатда эса Византияга қарши курашган салжуқийлар сунний мазҳабларнинг тарқалишига шарт-шароит яратиб бердилар. Барча султонлар ҳанафий мазҳабига қаттиқ амал қилганлар. Мазҳабга амал қилишдаги бу жиҳат, 1055 йилда Султон Тўғрулбекнинг буйруғи билан Бағдод қозиси, шофей олим Ибн Макула номи билан танилган Абу Наср Али ибн Ҳибатуллоҳ ибн Али ал-Ижлий вафот этгач, унинг ўрнига ҳанафийлардан бўлган Абу Абдуллоҳ Домағонийнинг қози этиб тайинланишида кўринади. Бу жараён мамлакатда ҳанафийлар ва шофейлар ўртасида рақобат борлигини намоён этарди. Бу рақобат султоннинг вазири, британиялик шарқшунос олим Уильям Монтгомери Уаттнинг фикрича, фикҳда ҳанафий, ақидада мўътазиллий бўлган Амидулмулк Кун-

дурий (Montgomery Watt, 1963:38-57) томонидан шофеийларни очикдан-очик танқид қилишгача олиб борди.

Ибн Асир: “Тўғрулбекнинг вазири Амидулмулк ўзига шофеийларни душман деб билар эди. У султондан Хуросон масжидларида рофизийларни танқид қилишга изн сўради. Султондан рухсат олган Амидулмулк рофизийлар билан бирга қўшиб ашъарийларни ҳам танқид қила бошлади. Вазирнинг бундай қилишига сабаб Нишопур раисларидан, шофеий мазхабида бўлган Абу Саҳл Найсабурийнинг келажакда вазир бўлишидан хавфсирагани эди. Натижада Имом Жувайний, Абу Суҳайл Муваффақ, Абул Қосим Қушайрий ва Имом Байҳақий каби шофеий мазхабининг етук намояндalари Ҳижоз ўлкасига кетишга мажбур бўлдилар. Бу ҳолат Алп Арслон тахтга чиқиши ва шофеий бўлган Низомулмулк вазир этиб тайинлангунига қадар давом этган. Баъзи ривоятларга кўра, Амидулмулк шофеийларга бундай муомаласи учун тавба қилган” (Ибн Асир, 1987:365).

Султон Тўғрулбекнинг даврида илм-фанга ҳам эътибор берилган. Давлатдаги биринчи мадраса 1046 йилда султон буйруғига асосан Нишопурда қурилган (Ali Öngül, 2003:69). Тўғрулбек даврида Фахриддин Журжоний (ваф. 446/1054), Абул Аъло ибн Ҳассул (ваф. 450/1058), Али ибн Ҳасан Бохарзий (ваф. 467/1075) каби олимлар фаолият олиб боришган.

Султон Тўғрулбек 1063 йил Рай шаҳрида вафот этади. Вафотидан аввал фарзанди бўлмагани учун укаси Чағрибекнинг ўғли Сулаймонни валиаҳд деб тайинлаган эди. Султоннинг вафотидан сўнг вазир Амидулмулк Сулаймонни ҳукмдор деб эълон қилди. Укасининг тахтга чиққанидан хабар топган Чағрибекнинг яна бир ўғли Марв ҳокими Алп Арслон (1063–1072) Эрон шарқидаги Қазвин шаҳрида ўзини султон деб эълон қилди ва ўз номига хутба ўқиттирди (Агаджанов, 1991:81). Шу йили Райга қўшин тортиб келиб, укасини тахтдан ағдарди ва “Буюк салжуқийлар давлати”нинг иккинчи султони бўлди. Султон Алп Арслон даврида салжуқийлар салтанати Амударёдан Дажла дарёсигача бўлган катта ҳудудлардан иборат эди. Пойтахт Рай шаҳридан Нишопурга кўчирилди.

Рофизийларни танқид қилиш баҳонасида шофеийларни ҳам сиёсий майдондан четлатган Амидулмулк Кундурий катл қилинади. Унинг ўр-

нига “Низомулмулк” номи билан танилган Абу Али Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий вазир этиб тайинланади. 1064 йилда Алп Арслон Бағдодга бориб, халифадан “Зиёуддин” (Диннинг зиёси) унвонини қабул қилади. 1066 йилда Орол денгизидан Каспийгача, Хоразмдан Итил дарёсигача бўлган ҳудудларда карвонларни ҳимоя қилувчи қўшин тузилади.

1067 йилда салжуқийлар Византияга яна бир марта ҳужум қилиб, Карс шаҳрини босиб оладилар. Гуржистон қироли салжуқийларга таслим бўлади. 1070 йилда Мисрни фотимийлардан озод қилиш учун урушга отланган салжуқийлар, Малазгирт текислигида Византия императори Роман Диоген (1068–1071) қўшинига дуч келишади. Жангда византияликлар енгилди, оқибатда бутун Шарқий Онадўли ерлари салжуқийлар таъсири остига ўтди.

МУҲОКАМА

Британиялик тарихчи, “Византия тарихи ва салб юришлари даври” мутахассиси Сер Стивен Рансимен ўзининг “A History of the Crusades” (Салиб юришлари тарихи) номли китобида Малазгирт жанги тўғрисида бундай ёзади: “Малазгирт жанги Византиянинг ҳалокатига сабаб бўлди. Византияликлар бундай бўлишини кутмаган эдилар. Тарихчилар эса, ўша куннинг даҳшатини ҳалигача унута олганлари йўқ. Бу мағлубият Византияни “христиан олами кўрикчиси” номидан маҳрум қилди. Туркларнинг ғалабаси, уларга нисбатан Византия ва фотимийлардан келадиган хавфни бартараф этган эди” (S.Runciman, 1951:64).

“Малазгирт – Византия чегараларини бузиб юборган, туркларнинг Кичик Осиёга киришларига йўл очиб берган, ислом чегараларини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берган жангдир” (Carter V. Findley, 2005:71), деб ёзади, америкалик тарихчи Картер Файндлей.

Византиянинг мағлубияти Кичик Осиёдаги мавқеига путур етказган бўлса, салжуқийларнинг ғарбий чегаралари мустаҳкамланган эди. Шундан сўнг, салжуқийларнинг Кичик Осиё ҳудудларига кўчиб бориши бошланди.

Султон Алп Арслон бутун мамлакатда илм-фанга ҳомийлик қилди. Унинг даврида кўплаб шаҳарларда “Низомия” мадрасалари қурилди. Илк мадраса 1067 йилда Бағдодда кейинчалик Рай, Нишопур, Марв, Балх, Ҳирот, Басра, Исфохон ва

Мосул каби шаҳарларда қад ростлади. Амакиси давридаги сиёсатдан фарқли равишда, тўрт мазҳаб уламолари “Низомия” мадрасаларига жалб қилинди. Тўғрулбек даврида ҳайдалган кўплаб уламолар ватанга қайтарилди ва улар учун мадрасалар бунёд этилди. Тўғрулбек давридаги фикрий низоларга тўлақонли барҳам берилди.

Турк тадқиқотчиси Невзат Кўсўғлу бундай дейди: “Ушбу мадрасаларни тамомлаган мударрислар, имомлар, воизлар халқнинг эътиқоди ва турмуш тарзини шакллантиришда асосий омил бўлишган” (Kösöğlü, 1991:68). “Низомия” мадрасаларида диний илмлардан ташқари, адабиёт, математика, астрономия ва фалсафа каби фанлар ҳам ўқитилган.

Мадрасаларнинг асосий фаолияти рофизий ва ботинийларга раддия бериш бўлган (Субкий, 1964:313–314). Мадрасалар ҳам айнан шиалик кенг тарқалган шаҳарларда қурилгани бунинг далилидир. Мадрасалар мударрислигига суннийликнинг етук уламолари тайинланган. Жумладан, Имом ал-Ҳарамайн Жувайний (1028–1085) Нишопур мадрасасида, Абу Исҳоқ Шерозий (1003–1083) ва Имом Ғаззолий (1058–1111) Бағдод мадрасасида, Абу Бакр Шоший (1030–1109) эса Марв мадрасасида мударрислик қилган (Халликон, 2007:216–219).

1072 йилда Султон Алп Арслон вафот этганидан сўнг тахтга ўғли Маликшоҳ (1072–1092) ўтирди. Султон Маликшоҳ 1074 йили Термиз, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик Фарғонани эгаллаган. Маликшоҳ ҳукмронлигида салжуқийлар ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган. Пойтахт Нишопурдан Исфажонга кўчирилган. Маликшоҳ ҳам Низомулмулкни ўзининг вазири деб эълон қилган. Отаси каби илм-маърифатга ҳомийлик қилган.

Усманийлар даври тарихчиси Аҳмад ибн Маҳмуд (ваф. 1570) ўзининг “Салжуқнома” асарида Низомулмулкнинг илм-маърифатга қўшган хизматларини қуйидагича келтиради: “Низомулмулкнинг илм-фанга ҳомийлигини кўра олмаганлар султонга, “Низомулмулк хазинангиздан ҳар йили Қуръон ҳофизлари, фақиҳлар ва сўфиларга 300 минг динор пул сарфлайди. Агар бу пуллар аскарларга сарф қилинса, Константинополни фатҳ қилишимиз мумкин”, деган мазмунда хат жўнатишган. Низомулмулк Султон Маликшоҳга ушбу хат юзасидан шундай жавоб беради: “Эй оламлар султони! Аллоҳ сизга ҳам,

менга ҳам бандаларининг бирортасида бўлмаган неъматлар ато қилди. Сиз эса, Аллоҳнинг Китобини ёд олганлардан 300 минг динорни кўп кўрасизми? Сиз аскарлар учун бундан икки барабар кўп пул сарфлайсиз. Бироқ уларнинг энг мергани отган ўқ бир чақиримдан нарига бормайди. Мен эса, бу пуллар билан шундай “қўшин” тузаманки, уларнинг илмлари ўқ каби Аллоҳнинг Аршига қадар кўтарилишига ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди”. Султон Маликшоҳ Низомулмулкка: “Сизлар қўлингиздан келганича бу “қўшин”нинг сонини кўпайтиринглар. Мен сизларга хоҳлаганингизча бойлик бераман. Дунёнинг бойликлари сизларники”, деб жавоб беради” (Mahmud, 2011:142–144).

Султон Маликшоҳ даврида Исфажонда расадхона ва Табаристонда мадраса қурилган. Инглиз шарқшуноси Генри Жорж Равертий ўрта аср мусулмон тарихчиси Минҳожиддин Жузжонийнинг “Табақоти Носири” китоби таҳқиқида Султон Маликшоҳ давридаги илм-фан тараққиётини шундай баҳолайди: “Султон Маликшоҳдан дунёда кўп яхши ишлар қолди. Нужум илмидаги хатолар тузатилгани шулардан биридир. Нужум ва ҳисоб илми уламолари Маликшоҳ буйруғи билан юлдузларни кузатишнинг янги усулини ишлаб чиқдилар ва ой кунларини янгидан белгиладилар. Давлат учун янги “Жалолий” тақвими ишлаб чиқилди” (H.G.Raverty, 1873:142).

Султон Маликшоҳдан сўнг тахт учун бошланган ички курашлар оқибатида салжуқийлар илмий муҳитида турғунлик даври юзага келди. Маҳмуд I (1092–1093), Беркярук (1094–1105), Маликшоҳ II (1105) даврларида турғунлик давом этди. Муҳаммад Тапар (1105–1118) ҳокимиятга келгандан сўнг илм-фан, маданият яна юксала бошлади. Бу даврда ҳам асосан Султон Маликшоҳ давридаги олимлар фаолият олиб боришади.

Имом Ғаззолий форс тилидаги “ат-Тибр алмасбук фи насихат ал-мулк” асарини, Ибн Балхий ўзининг “Форснома”сини Муҳаммад Тапарга бағишлаганлар (Özaydin, 1990:151–152). Муҳаммад Тапар ҳар бир “Низомия” мадрасаларининг атрофига сўфийлар учун работлар қурдирган.

Муҳаммад Тапар 1118 йилда вафот этди. Бу даврга келиб, салжуқийлар давлати иккига бўлиниб, Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118–1194) номи билан Муҳаммад Тапарнинг ўғли Маҳмуд II (1118–1131) бошқарди. Ҳамадон Ироқ султонлигининг

пойтахти этиб белгиланди. Хуросон, Сижистон, Хоразм ва Мовароуннахрда Маликшоҳнинг ўғли Аҳмад Санжар (1118–1157) султон этиб эълон қилинади. Султон Санжар Марвни ўз давлатининг пойтахти деб эълон қилди. Султон Санжар вафотидан сўнг (1157) салжуқийларнинг Хуросондаги ҳукмронлиги тугайди. 1194 йили Хоразмшоҳ Такаш Ироқ султонлигини тор-мор қилди. Салжуқийларнинг яна бир давлати Кўна султонлиги эса, XII асргача ҳукм сурди.

НАТИЖА

Султон Санжар даври салжуқийлар давлатининг энг гуллаган даври ҳисобланади. Отаси каби у ҳам илм-маърифатга ҳомийлик қилган. Султон Санжар Хуросонга нафақат мусулмон олимларини, балки бошқа дин вакилларини ҳам таклиф қилар эди. Олимларга катта ҳурмат ва эътибор қаратар эди. “Бу ер (Хуросон) илм маскани, фазилат манбаи ва касб-ҳунар ўлкаси эди” (Ровандий, 2005:167). Султоннинг саройида мусулмон бўлган олимлардан ташқари бошқа дин вакиллари ҳам фаолият олиб борган. Шулардан бири қибтийлардан бўлган табиб Ибн Тилмиз Ҳибатуллоҳ ибн Саид (1073–1165) Султон Санжарнинг энг ишончли табибларидан бўлган.

Султон Санжарнинг олимларга ҳурмати баланд бўлган. Мазҳаблар ўртасидаги фикрий курашларга аралашшдан кўра, уламоларга эргашар эди. Нишопурда бўлган ҳанафийлар ва шофеийлар ўртасидаги баҳс-мунозаларга ҳам аралашмаган. Имом Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадоний каби буюк олимлар билан яхши муносабатда эди. 1110 йилда Самарқандда бўлган Юсуф Ҳамадонийга 50 минг динор пул ва мактуб жўнатган. Мактубида ўзининг ҳаққига дуо қилишни сўраган.

Султон Санжар олимлар, табиблар ва файласуфларга ҳазинадан 700 минг динор, 1000 дона кийим-бош, кўплаб отлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар тарқатар эди. Ҳазинабон ҳазина бўшаб қолаётганини айтганда, “Мени мол-мулкка мойил десангиз, бу тўғри эмас. Мана бу кийим-бошларни тарқатинглар”, деб жавоб берган (Ҳусайний, 1984:125–127).

Шофеийлик мазҳаби асосан Ҳижоз ва Мисрда тарқалгани билан, салжуқийлар барча шофеий олимларга ҳурмат билан муносабат билдирганлар. 1058 йилда Алп Арслон Имом ал-Ҳарамайн

Имом Жувайний шарафига Нишопурда мадраса қурдирган (Bulliet, 1972:73).

X–XI асрларда Хуросон минтақасида диний-сиёсий вазият мураккаб эди. Бу ҳудудда ҳукм сурган сомонийлар ва ғазнавийлар суннийлик таълимотига амал қилишган бўлса-да, улар карромийлар фирқаси ўз ғояларини тарқатишига тўсқинлик қилишмаган. Хуросоннинг марказий шаҳарларидан ҳисобланган Нишопур карромийлар фирқасининг маркази ҳисобланган. Бунинг сабаби эса, уларни Сомоний ва Ғазнавий ҳукмдорлар кўллаб-қувватлаб туриши эди (Мақдисий, 1991:329–336). Сомонийларнинг Нишопурдаги волийси Муҳаммад ибн Иброҳим Симжурнинг (948–989) саройида карромийларнинг вакили ибн Муҳожир билан шофеий мазҳаби фақиҳи, ашъарий таълимоти мутакаллими, “ал-Фарқ байн ал-фирақ” асари муаллифи Абдулқоҳир Бағдодий ўртасида “Аллоҳга жисм нисбат бериш мумкинми ёки йўқми?” мавзусида кўплаб баҳс-мунозара бўлиб ўтган (Бағдодий, 1995:224). Сомонийлар давлати тугатилганидан сўнг карромийлар ғазнавий ҳукмдорлардан сиёсий ёрдам олишга муваффақ бўлишган.

АҚШнинг New Mexico университети профессори, исломшунос олим Маргарет Маламуд ўзининг “The Politics of Heresy in Medieval Khurasan: The Karramiyya in Nishapur” (Ўрта аср Хуросонида бидъат сиёсати: Нишопур карромияси) номли мақоласида ғазнавийлар сулоласи асосчиси Сабуктегин карромия эътиқодини қабул қилганини қайд этган. Мақолада: “Дарҳақиқат, ғазнавийлар асосчиси Сабуктегин Муҳаммад ибн Карромнинг издоши бўлгани ва карромийликни қабул қилгани манбаларда учрайди”, дейилган (Malamud, 1994:41).

Британия фанлар академияси академиги Клиффорд Эдмунд Босворт ўзининг “The Ghaznavids, their empire in Afghanistan and Eastern Iran 994–1040” (Ғазнавийлар, уларнинг 994–1040 йилларда Афғонистон ва Шарқий Эрондаги ҳукмронлиги) номли китобида карромийларга ғазнавийлар томонидан ҳомийлик кўрсатилгани тўғрисида маълумотлар берган (Bosworth, 1992:185–189).

1096 йилда карромийларнинг эътиқодларига қарши ҳанафийлар ва шофеийлар иттифоқ тузадилар (Bulliet, 1972: 38–39). 1100 йилда шофеийларнинг етакчиси Имом ал-Ҳарамайн Жувайнийнинг ўғли Абул Қосим ҳамда хана-

фийларнинг рахбари Қози Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Саид бошчилигидаги суннийлар билан карромийлар ўртасида бўлиб ўтган баҳс-мунозарада карромийлар енгилиб, Нишопурни тарк эта бошлаган.

Нишопурда карромийларнинг Абу Жаъфар Аҳмад ибн Ҳарб, Муҳаммад ибн Карром, Абу Ёъқуб Исҳоқ ибн Маҳмашоз, Абу Бақр Муҳаммад ибн Исҳоқ Маҳмашоз, Муҳаммад ибн Ҳайсам, Иброҳим ибн Муҳожир, Мажидуддин ибн Кидва каби вакиллари фаолият олиб борганлар (Malatid, 1994:37). Карромийлар гарчи салжукийлар даврида унчалик фаол бўлмаса-да, уларнинг эътиқоддаги хато қарашлари инсонлар орасида тарқалиб кетган эди.

Салжукийлар давлатининг сўнгги султони Санжар даврида шиаликнинг ботинийлик фирқаси вакиллари кўпайиб кетган. Ботинийларнинг рахбари Ҳасан Саббоҳ бўлиб, ўзига Эроннинг Аламут қалъасини марказ қилиб олган эди. Ботинийлар ўз манфаатлари йўлида сиёсий душманларини ўлдиришар эди. Султон Санжар дастлабки йилларда ботинийларга қарши кураш олиб бормаган. Тарихчи Бернард Льюис ушбу ҳолат бўйича: “Ҳукмронлигининг илк йилларида Султон Санжар ботинийларга кураш олиб бормагани, уларнинг кучайиб кетишига сабаб бўлди”, деб ёзади (Lewis, 1967:66).

Аббосийлар халифаси Мустаршид Биллаҳ (1118–1135) Султон Санжарни ботинийларга қарши курашмасликда айблади. Бунга жавобан Султон Санжар халифага “Ботинийларга қарши аёвсиз курашиш ва унга халифа томонидан маънавий кўмак берилиши” мазмунида мактуб жўнатади. Салжукийларнинг сиёсий рақиби ҳисобланган Шарқий Африка, Миср ва Ироқ ҳудудларида ўз ҳукмронлигини ўрнатган фотимийлар давлати эса, шиаликнинг ботинийлик эътиқодида бўлган.

Султон Санжар ва ботинийлар ўртасидаги илк жанг 1126 йилда бўлиб ўтган. Ушбу жангда Ҳасан Саббоҳ вафот этган. Жангдаги ғалабадан сўнг Султон Санжар вазири Муинуддин Абу Наср Аҳмад ибн Фазл Кошоний бошчилигидаги қўшинни Кўҳистоннинг Турос, Нишопурнинг Байҳақ шаҳарларига, ботинийларга қарши “жиход” қилиш учун жўнатган. Кошоний бошчилигида аскарлар Мансура қалъасини ботинийлардан озод қилади. Кейинги таянч қалъа Маймундизни озод қилишда Кошоний вафот этади.

1127 йилда Султон Санжар ботинийларга қарши иккинчи марта қўшин тортди. Хуросон чўлида бўлиб ўтган жангда ўн мингга яқин ботиний ўлдирилди. Ботинийлик маркази Аламут қалъасига хужум қилишни Ироқ салжукийларига топширилди. Рудбар шаҳрида эса, ботинийлар ғалаба қозонишди. Жангда салжукийлар қўмондони Темурдоған асирга олиниб, шаҳид қилинди.

1134 йилда Султон Санжар Хуросондаги Фирқўх қалъасини ботинийлардан озод қилиш учун Амир Аркуш бошчилигида қўшин жўнатади. Амир Аркуш қалъани қўлга кирита олмайди. Ботинийларга қарши сўнгги катта жанг 1151–1152 йилларда бўлиб ўтди. Султон Санжар ботинийлар қўл остидаги Турос шаҳрини озод қилади.

Ботинийларга қарши жангларда аббосийлар халифаси Мустаршид Биллаҳ ва унинг ўғли Рашид Биллаҳ, Мосул волийси Аксундур Порсукий, Дамашқ волийси Тождулмулк Борий, Муинуддин Кошоний, шофий мазҳаби фақиҳи Абдуллатиф Хўжандий ва салжукийлар қўмондони Темурдоғанлар вафот этган.

Салжукийлар даврида минтақада мўътазилийлик ҳам мавжуд эди. Маҳмуд Ғазнавий томонидан таъқибга учраган мўътазилийлар, Тўғрулбек даврида муҳим давлат мансабларига ўзларининг тарафдорларини қўйишга ҳаракат қилдилар. Тўғрулбекнинг вазири Амидулмулк Кундурий ҳам мўътазилийлик тарафдорларидан эди (Watt, 1963). Алп Арслон ва унинг вазири Низомулмулк даврида мўътазилийликка қаттиқ зарба берилди. Султон Санжар даврида мўтазилийлик кам бўлса-да мавжуд эди. Бу эътиқодлар баъзи мўътазилийлик вакиллари асарларида ўз аксини топган. Бу даврда мўътазилийлардан Маҳмуд Замахшарий (1075–1144), Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарир Исфаҳоний (ваф. 1113), (1075–1144), Рукниддин Ибн Малоҳимий (ваф. 1141) каби олимлар фаолият олиб борган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуниси айтиш мумкинки, салжукийлар ҳукмронлик қилган ҳудудларда суннийлик (ханафийлик мазҳаби) мавқеини мустаҳкамлаш сиёсатини олиб боришда, энг аввало, ўзларининг сиёсий рақибларини заифлаштиришга эътибор қаратдилар. Мазкур вазифаларни амалга оширишда улар Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг

ханафий ва шофей олимлари хизматларидан фойдаланишган. Бу орқали салжукий султонлар ўзларини “суннийлик ҳимоячилари” сифатида намоён қилганлар.

Мамлакатдаги диний-сиёсий вазиятнинг мураккаблиги, давлат чегараларининг узунлиги, турли дин вакилларининг кўплигига қарамасдан, салжукийлар даврида ислом илмлари тараққий этгани билан ажралиб туради. Салжукийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда нафақат диний илмлар балки, дунёвий илмлар ҳам ривожланган. Давлатнинг турли ҳудудларида қурилган “Низомия” мадрасалари фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Мовароуннахр ва Хуросонда ёзилган аксарият мўътабар-диний манбалар ҳам салжукийлар даврига тўғри келади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdülkerim Özeydin. (1990). Sultan Muhammed Tapar Devri Selçuklu Tarihi. Ankara: TTK Yay.
2. Ahmed bin Mahmud. (2011). Selçukname. C. 1. Istanbul: Bilge Kültür Sanat.
3. Bernard Lewis. (1967). The Assassins a radical sect in islam. London: Weidenfeld & Nicolson.
4. Carter Findley. (2005). The Turks in World History. Oxford: Oxford University Press.
5. Clifford Edmund Bosworth. (1992). The Ghaznavids, their empire in Afghanistan and Eastern Iran 994–1040. New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd.
6. Clifford Edmund Bosworth. (1996). The islamic dynasties. Edinburgh: Edinburgh University Press.
7. N.Kösoğlu. (1991). Türk Dünyası ve Türk Medeniyeti Üzerine Düşünceler. İstanbul: Ötüken Yay.
8. Margaret Malamud. (1994). The Politics of Heresy in Medieval Khurasan: The Karramiyya in Nishapur // Iranian Studies, volume 27. Oxfordshire: Routledge.
9. Montgomery Watt W. (1963). The Political Attitudes of the Mu'tazilah // Journal of the Royal Asiatic Society, Vol. 95, Issue 1–2. Cambridge: Cambridge University Press.
10. Raverty H.G. (1873). The Tabakat-i-Nasiri of Minhaj-i-Siraj. London: Gilbert and Rivington.
11. Richard W. Bulliet. (1972). The Patricians of Nishapur. Cambridge: Mass., Harvard University Press.
12. Steven Runciman. (1951). A History of the Crusades. The first Crusade and the Foundation of the Kingdom of Jerusalem. Vol. 1. New York: Cambridge University Press.
13. Абдулқоҳир Бағдодий. (1995). Ал-Фарқ байна-л-фирок. Байрут: Мактабат ал-асрийя.
14. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Мақдисий. (1991). Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим. Қоҳира: Мактабат мадбул.
15. С.Г.Агаджанов. (1991). Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI–XII вв. Москва: Наука.

16. В.В.Бартольд. (1963). Сочинения. Т. 2. часть 1. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. Москва: Восточной литературы.
17. Ибн Асир. (1987). Ал-Камил фи ат-тарих. Ж. 8. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
18. Ибн Халликон. (2007). Вафаёт ал-аъён. Ж. 4. Байрут: Дор ас-содр.
19. Ш.М.Мустафаев. (2017). От Сельджуков к Османам. Этнополитические процессы в тюркской среде Малой Азии в XI–XV веках. Москва: Институт востоковедения РАН.
20. Муҳаммад ибн Али ибн Сулаймон Ровандий. (2005). Роҳат ас-судур ва аят ас-сурур фи тарих ад-давлат ас-салжукийя. Қоҳира: ал-Мажлис ал-аъала ли-с-сақофа.
21. Повествование вардапета Аристакаэса Ластивертци. (1968). Перевод с древнеармянского, вступительная статья, комментарий и приложения К.Н.Юзбашяна. Москва: Наука.
22. Садриддин Абул Ҳасан Али ибн Носир Ҳусайний. (1984). Ахбор ад-давлат ас-салжукийя. Байрут: Дор ал-офок ал-жадийда.
23. Тожуддин Субкий. (1964). Табакот аш-шофеия ал-кубро. Ж. 4. Қоҳира: Дор-ал-хижр.

REFERENCES

1. Abdülkerim Özeydin. (1990). Sultan Muhammed Tapar Devri Selçuklu Tarihi. Ankara: TTK Yay.
2. Ahmed bin Mahmud. (2011). Selçukname. C. 1. Istanbul: Bilge Kültür Sanat.
3. Bernard Lewis. (1967). The Assassins a radical sect in islam. London: Wyeidenfeld & Nicolson.
4. Carter Findley. (2005). The Turks in World History. Oxford: Oxford University Press.
5. Clifford Edmund Bosworth. (1992). The Ghaznavids, their empire in Afghanistan and Eastern Iran 994–1040. New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd.
6. Clifford Edmund Bosworth. (1996). The islamic dynasties. Edinburgh: Edinburgh University Press.
7. N.Kösoğlu. (1991). Türk Dünyası ve Türk Medeniyeti Üzerine Düşünceler. İstanbul: Ötüken Yay.
8. Margaret Malamud. (1994). The Politics of Heresy in Medieval Khurasan: The Karramiyya in Nishapur // Iranian Studies, Vol. 27. Oxfordshire: Routledge.
9. Montgomery Watt. (1963). The Political Attitudes of the Mu'tazilah // Journal of the Royal Asiatic Society, Vol. 95, Issue 1–2. Cambridge: Cambridge University Press.
10. H.G.Raverty. (1873). The Tabakat-i-Nasiri of Minhaj-i-Siraj. London: Gilbert and Rivington.
11. Richard Bulliyet. (1972). The Patricians of Nishapur. Cambridge: Mass., Harvard University Press.
12. Steven Runciman. (1951). A History of the Crusades. The first Crusade and the Foundation of the Kingdom of Jerusalem. Vol. 1. New York: Cambridge University Press.

13. Abdulqohir Bag'dodiy. (1995). *Al-Farq bayna-l-firoq*. Beirut: Maktabat al-asriyya.
14. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ahmad Maqdisiy. (1991). *Ahsan at-taqosim fi ma'rifat al-aqolim*. Cairo: Maktabat madbul.
15. S.G.Agadjanov. (1991). *Gosudarstvo Seldjukidov i Srednyaya Aziya v XI–XII*. Moscow: Nauka.
16. V.V.Bartold. (1963). *Sochineniya*. J. 2. chast 1. *Obshiy raboti po istorii Sredney Azii. Raboti po istorii Kavkaza i Vostochnoy Yevropy*. Moscow: Vostochnoy literaturi.
17. Ibn Asir. (1987). *Al-Kamil fi at-tarix*. J. 8. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiiyya.
18. Ibn Xallikon. (2007). *Vafayot al-a'yon*. J. 4. Beirut: Dor as-sodr.
19. Sh.M.Mustafayev. (2017). *Ot Seldjukov k Osmanam. Etnopoliticheskiye processy v tyurkskoy srede Maloy Azii v XI–XV vekax*. Moscow: Institut vostokovedeniya RAN.
20. Muhammad ibn Ali ibn Sulaymon Rovandiy. (2005). *Rohat as-sudur va ayat as-surur fi tarix ad-davlat as-saljuqiyya*. Cairo: al-Majlis al-a'ala li-s-saqofa.
21. *Povestvovaniye vardapeta Aristakesa Lastivertsi*. (1968). *Perevod s drevnearmyanskogo, vstupitel'naya statya, kommentariy i prilozheniya K.N.Yuzbashiya*. Moscow: Nauka.
22. Sadriiddin Abul Hasan Ali ibn Nosir Husayniy. (1984). *Axbor ad-davlat as-saljuqiya*. Bayrut: Dor al-foq al-jadiyda.
23. Tojuddin Subkiy. (1964). *Tabaqot ash-shafi'iyah al-kubro*. J. 4. Cairo: Dor-al-hijr.

